

ТАРИХИЙ ВИЗИТНИНГ ҲАЯЖОНЛАНТИРУВЧИ ҲУЖЖАТЛАРИ

Яқинда Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти «Дуст бўлиб, тинчликда яшайлик!» — СССР Министрлар Советининг раиси Н. С. Хрущевнинг АҚШга бўлиши» деган китобни ўзбек тилида босиб чиқарди.

Американи ташрифтган сентябрнинг 13 кунини бутун жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига торган жуда катта ҳақдор воқеа бўлди. Совет ҳукумати бошлиғи ўртоқ Н. С. Хрущевнинг Америка Қўшма Штатларига қилган тарихий сафарига халқлар тинчлик ва дўстликнинг узун миссияси деб ҳақдорий баҳо берилди.

«Дуст бўлиб, тинчликда яшайлик!» номли китобга бутун инсониятнинг тақдирини бахslashи билан боғлиқ бўлган тарихий ҳужжатлар, ўртоқ Н. С. Хрущевнинг нутқлари ва Совет-Америка Қўшма ахбороти ҳамда визитга оид бошқа материаллар киритилган.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг ташкилотчилиги ва асосчилиги В. И. Ленин икки системанинг узоқ вақт тинч-тотув асосидаги сиёсатини қуқур асослаб берди. «Россиянинг ишчилари ва деҳқонлари, — деган эди В. И. Ленин, — тинчлик ва муносабатларни ҳамма нарсадан кўпроқ қўрқайдилар». Совет давлати барпо этилган дастлабки кунидан бошлаб тинч-тотув асосини ўз ташқи сиёсатининг асоси деб эълон қилди. Ленинча тинч-тотув янаша сиёсати «Дуст бўлиб, тинчликда яшайлик!» номли китобнинг асосий мазмунини ташкил этади.




Ўртоқ Н. С. Хрущев Вашингтондаги Матбуот Миллий кўнрада журналистлар билан бўлган учрашувида сўзлаган нутқида Америкада қилинган визитнинг асосий мақсади нимадан ibорат эканлигини айтиб, бундай дейди: «Мен аввало, сизга энг яхши иниятлар билан ва очиқ кўнра билан келганлигимизни ўқитиб ўтганимизни айтишимиз керак. Биз, Америка халқига дўстлик туғишларини ва мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга эришиш йўналишида самимий истақларини олиб келидик. Бу — визитимизнинг асосий мақсади» (Ушга китоб, 155 бет).

Икки китобнинг асосий мақсади озиқ-овқат, саноат ва ҳужжатчиликнинг ҳаммаммида жаҳият ҳаётидан абайди туриб чиқариш барча халқларнинг олижаноб мақсади. «Совет урушига барҳам бериш ва тинчликни мустаҳкамлаш, халқро кескинликни йиштириш мақсади ўртоқ Н. С. Хрущевнинг президенти Эйзенхауэр билан қилган суҳбатларининг энг асосий темаси бўлди.

Совет Иттифоқи мамлакатлар ўртасидаги муносабатларини тинч-тотув янаша принциплари асосида ривожлантириш тарафлари эканлигини ўртоқ Н. С. Хрущев Вашингтонда, Нью-Йоркда, Лос-Анжелосда, Демингда ва бошқа шаҳарларда сўзлаган нутқларида жуда аниқ равшан қилиб кўрсатиб берди.

Ўз ташқи сиёсатини тинчлик сиёсати деб эълон қилган ва бу йўлда оғишмай кураш олиб бораётган Совет давлати қисқа вақт ичида жуда катта тарихий ютуқларни қўлга киритди. Дунёда биринчи атом электростанциясининг барпо қилингани, Ер сувиий йўдошларининг дунёда биринчи марта космосга учурилгани ва кометага учурилгани сувиий планеталар, «Ленин» атом музери бунинг биринчи мисолидир.

Нью-Йоркнинг Иқтисодий қўнрада сўзлаган нутқида ўртоқ Н. С. Хрущев халқимизнинг Коммунистик партия раҳбарлигида қўлга киритган ва киритяётган ана шундай ажойиб ютуқларини кўрсатиб ўтди. Шунинг билан бирга, ўртоқ Н. С. Хрущев капиталистик тузум эндиликда тарихий тарққийнинг шалаги чиздан аравадан бораётганлигини ҳам алоҳида ўқитди. «Чириб қолган эски тузумни, — дейди ўр-



Ўртоқ Н. С. Хрущев уруш бошланиб кетиш имкониятини йўқотиш кераклигини қайд қилиб, бундай дейди: «Катта армиялар, ҳарбий авиация ва Ҳарбий-Денгиз Флот, ядро ва ракета кўрсати мавжуд экан, ҳаёт йўлига қадам қўётган ёшларга биринчи гада урушнинг қондалари ўргатилаётган экан, генерал штаблар аса, бўлажак ҳарбий операцияларнинг планларини ишлаб чиқишни давом эттираётган эканлар, бундай шароитда мустаҳкам тинчлик учун гарантия йўқ» (Ушга китоб, 193 бет). Шунинг учун, — дейди Никита Сергеевич, — тўрт йил мобайнида ҳамма давлатлар баҳамом кўрсатилаётганлар уларда уруш олиб борадиган ҳеч қандай восита қолмасин. Бу, инсониятнинг озу ва умидларини ифодоловчи реал тақлифдир.

Ўртоқ Н. С. Хрущев Америка Қўшма Штатларида сўзлаган нутқларида тинч ривожланишнинг улғувор программаси бўлган етти йиллик СССРнинг асосий иқтисодий вазифини — аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига етиб олиш ва ундан ўзиб кетишдан иборат буюк мақсад йўлида олға қараб ташланган ҳал қилувчи қадам эканлигини яна бир марта таъкидлаб ўтди. «Хозирги вақтда, — дейди ўртоқ Н. С. Хрущев, — сизлар иқтисодий соҳада биздан олдинда бормоқдасиз. Сизларга етиб олиши-ми учун ҳали яхшигина тираб-линиш ишлаганимиз керак. Майли, тўрт йил мобайнида чарчаймики, лекин барибир сизларга етиб оламиз, ўзиб кетамиз ва олдинда борамиз. Менинг эътиқолим маъна... АҚШ экономистларидан бир гуруписи мамлакатимизнинг сизларнинг мамлакатингиз билан мубоца қилиш имкониятларини ўргатиб, Совет Иттифоқи ишлаб чиқариш соҳасида АҚШга 1970 йилда етиб олади, деган ҳулосага келибди, тақрор айтаманки, бу гапларни мен айтаётганим йўқ, балки америкалик экономистларнинг ўзлари айтишапти» (Ушга китоб, 241 бет).

Халқларнинг тинчлиги ва бахтсизлиги учун тинмай кураш олиб бораётган Ленинчи-болшевик Н. С. Хрущевнинг Совет давлатининг иқтисодий қудрати, халқро роли ва обрўси тобора ортиб бораётганлиги таъкидлаб ўтди ва Совет Иттифоқининг Ленинча ташқи сиёсати изчил равишда ривожлантирилди.

Бизнинг халқимиз ҳам Америка халқи ҳам урушга қарши жиддий кураш олиб бораётганлигини қайд қилиб, ўртоқ Н. С. Хрущев бундай дейди: «Бас шундай экан, яхши кўшиллар бўлиб яшайлик. Тинч-тотув янаша принцип мубоцабларимизга асос қилиб олайлик. Бу принцип ҳеч бир томонга бир ёқлама афзаллик бермайди, ҳеч бир кимса бу принципдан зарар кўрмайди, лекин, бу принципдан ҳамма манфаат кўради. Энг муҳими шуки, тинчлик яна ҳам манфаат кўради» (Ушга китоб 371 бет).

«Дуст бўлиб, тинчликда яшайлик» деган китобдаги ҳужжатларда ҳозирги халқро аҳолига ана шундай марксча-ленинчи анализ берилган. Бу китобдаги ҳар бир сўз Никита Сергеевичнинг эўр донолиги ва буюк инсон парварлигидан дарак беради. Ўз ҳукумати бошлиғининг бу сафаридан гоат мамнун бўлган совет халқи бу китобни эўр қизиқиш ва иштиёқ билан ўқимоқда.

Р. НОРЖИҒИТОВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Партия ўқувини намунали ташкил этиш керак

Бошланғич партия ташкилотлари меҳнатқиллар ўртасида КПСС XXI съезди қарорлари ва материалларини тобора кенг пропаганда қилиш, ана шу ҳужжатларнинг партия маорифи системасида чуқур ўрганилишини таъминлашга даъват этилганлар.

Лекин Ўрта Чирчиқ районидagi Сталин номи колхоз-партия ташкилоти (секретари ўртоқ Ю. Долабоев) тўғррак машгулотларининг савиясини оширишга етарли эътибор бермаётган. Қолдоқдаги қишлоқ хўжалиқ экономикасини ўрганиш тўғрарида ўртоқ П. Ҳақимов пропаганда этиш қилади. Бироқ у, КПСС XXI съезди қарорлари ва материалларини пропаганда қилишга икқодий ёндошиш ўрнига машгулотларини юзакни ўтказмоқда.

Масалан, ўртоқ Ҳақимов 7 декабрь куни «Социалистик қишлоқ хўжалиғи ва унинг моддий-техника базаси» деган тема юзасидан машгулот ўтказганида СССРнинг гада ва пахта етиштиришдаги галабаси, кўрқча ва бўз ерларни ўзлаштиришда Коммунистик партия томонидан қўйилган улғувор вазибаларнинг амалга оширилаётганлиги ҳақда бор-йўғи 15 минут гапирди.

Машгулотларнинг голий-назарий жиҳатдан паст савияда ўтказилаётгани натижасида тинчловчиларнинг кўнчилиги тўғрарка қатнашмай қўйди. 7 декабрь куни ўтказилган машгулотга 22 коммунистдан фақат 11 киши қатнашди.

Бу колхозда партия маорифини ташкил этиш соҳасида йўл қўйилган камчиликлардан райком пропагандистлар тўғрарка қатнашмай ўртоқлар хабардор бўлганлари ҳолда, уларнинг бу камчиликларни бартараф қилиш билан жиддий шуғулланмаётганликларига сира тушуниб бўлмайдми.

Т. ЮЛДОШЕВ.

Пропагандистлар семинари

Яқинда Тошкент область партия комитети районларидаги пропаганда-дистларнинг ўч кунлик семинари ташкил қилган эди. Бош семинарлар икки гурупада олиб борилди. Биринчи гурупадаги семинар қатнашчилари «КПСС тарихи», иккинчи гурупададаги аса «Қишлоқ хўжалигининг конкрет экономикаси» курси бўйича лекция ва докладлар тингладилар. Ҳаммаси бўлиб турини тэмаларда 20 дан ортқ лекция ва доклад ўқилди.

Семинарда пропаганда-дистлар таъриб алашди, ўз ишлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Семинар қатнашчилари учун эккурсиялар ташкил этилди.

М. ОЙДИНОВ, А. ЧИНТОШЕВ, семинар қатнашчилари.

ЭЪТИБОР сусайтирилгач...

Марксизм-ленинизм кечки университетлари кадрларини голий-назарий савиясини оширишда катта роль ўйнайди. Бу ерда, асосан партия маорифи шохобаларида ташкил этилган тўғрак ва назарий семинарлар учун пропаганда-дистлар тайёрланади ва қайта тайёрланади. Шу сабабли партия ташкилотлари марксизм-ленинизм кечки университетига ўқишга юборилган коммунистларнинг машгулотларга қатнашиши, ўтган дарсларни ўзлаштириши ва синовларга тайёрланган кўрғини устидан доимий контроллик олиб боришлари лозим.

Бироқ, айрим партия ташкилотлари бундай қилмаётдилар. Темир йўл Тошкент бўлимининг ревизорлар Телютников ва Шораҳмедов ўртоқлар партия маорифи шохобаларини комплекшлаш вақтида марксизм-ленинизм кечки университетига ўқиш, ўзларининг голий-назарий савияларини ошириш истагини битдиран эдилар. Лекин ўртоқ Телютников машгулотга ҳаммаси бўлиб уч марта қатнашди ва сўнгра ўқишни тўхтатди. Ўртоқ Шораҳмедов аса машгулотга бир марта ҳам келмади.

Партия бюроси бундан хабардор бўлгани ҳолда, Телютников ва Шораҳмедов ўртоқларга нисбатан ҳа-нузгача бирон таъбир кўрсатмай кел-ляпти.

Биринчи авторемонт заводининг партия ташкилоти ҳам коммунистларнинг сиёсий ўқиши ҳақда етарли гамхўрлик қилмаётди ва улар қандай ўқитяётганлари устидан назорат олиб бормаётди. Натижада марксизм-ленинизм кечки университетига ўқимокчи бўлган инженер ўртоқ Ҳашматий университетда ўқиб бораётганидан буён фақат бир марта машгулотга қатнашди. Шораҳмедов ва

Т. ШАДИЛОВ, Ленин район партия комитети сиёсий-маориф кабинетининг мудири.

Турли темаларда 1000 та лекция

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг Сирдарё район бўлими аҳоли ўртасида лекция пропагандасини кучайтирмоқда. Жамиятнинг 95 ишидан иборат азоси лекция ўқишга актив жалб этилган. Улар 1959 йил мобайнида колхоз ва совхозлар, корхона ва муассасаларда бўлиб, турли темаларда 1000 та лекция ўқидилар. Бу лекцияларни 70

та район партия комитетининг сиёсий маориф бўлими ва семинарлар чўнрада оқ қўйди.

Жамият район бўлимининг актив аъзоларидан Хван, Ширинов, Мирзақулов, Турсунов, Элмуродов, Нодиров, жамият область бўлимининг лекторларидан Оминов, Исламхўжаев, Исроиллов ўртоқлар ўзинг лекциялар айниқса кўпчиликига манзур бўлди.

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият район бўлими 1960 йилда ҳам аҳоли ўртасида лекция пропагандасини янада кучайтириш тадбирларини ишлаб чиқмоқда.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Чирчиқ шаҳридаги «Ўзбекхимваш» заводидa инженер-технолог К. Смольский раҳбарлигидаги рационализаторлар комплекс бригадаси ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш соҳасида катта иш олиб бормоқда. Улар махсулот таннархини калмайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, тайёрланаётган кимё аппаратларини сифатини яхшилашнинг янги-янги резервларини топишларда. Сурада: (чапдан ўнгга) рационализаторлар комплекс бригадасининг аъзолари слесарь В. Шабельников, инженер-технолог К. Смольский ва газорезчик А. Аблякимов ўртоқлар.

Л. Обидов фотоси.



Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасининг контролери, КПСС аъзоси Мастура Шайхова 36 йилдан бери турини корхоналарда ишлаб келмоқда. Мана 11 йил бўлгани, у пайпоқ-трикотаж фабрикасида узликсиз равишда ишлаб турибди. Мастура она кўн йиллар мобайнида орттирган бой таърибаларини ёшларга кўн ва сабот билан ўрғатмоқда. Сурада: М. Шайхова иш устида.

М. Турсунхўжаев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ижодкорлар

Тошкентдаги канои йигирув-тўқув фабрикаси коллективи етти йилликнинг биринчи йилида иш жараёна-рини механизациялаш ва автоматлаш соҳасида катта ютуқларни қўлга киритди. Утган йили ҳаммаси бўлиб 40 га яқин янги асбоб-ускуналар ўрнатилди. Шунинг учун ҳам йиллик топириқ мuddатидан анча олдин бақарилди.

Фабрика коллективининг шуҳрат қозонишида рационализаторларнинг хиссаси катта бўлди. Йил давомида ижодкор ишчи ва инженер-техник ходимлардан 120 дан ортқ талаф тушиб, булардан 80 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Натижада 450 минг сўмлик маблағ тежаб қозинди.

Ҳозир ремонт-механика бўлимининг бошлиғи М. Филмонов, электр бўлимининг бошлиғи Ф. Дамиямил ўртоқлар ПЧ-162-Т маркали станок билан ЧТ-115-Н маркали тараш машинасини ишлаштириш устида ишлашдилар. Станоклар ишлаштиришда, уларда жуғини-гина эмас, канои ҳам зарур. муқим бўлади. Дастлабки хиссасига қараганда, ана шу тақлиф нағла оширилган. Корхона олазидан йилда 1500 минг сўм тежаб қозинди.

Р. ТУСУНОВ.

СИЗ ҚАНЧА ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ТЕЖАДИНГИЗ?

6 миллион киловатт-соат

Олтинтопган комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг ҳалқ хўжалиқидa электр энергиясини рационал фойдаланиш ҳақидаги Хатини эўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Комбинат қаршида барча корхона ва цехларда электр энергияси тежаб-тергаб сарфлаш учун қизиқиш кураш бошланди.

Айрим корхоналар коллективлари етти йилликнинг биринчи йилида электр қувватини қўшлаб тежаб қоллишга муваффақ бўлдилар. Руда бошқармаси коллективини 4 миллион киловатт-соатга яқин, энергодех ишчилари 1,5 миллион киловатт-соатдан ортқроқ электр қувватини тежадилар. Марказий ремонт-механика заводининг ишлаб эритувчилари 300 минг киловатт-соатдан эибдроқ қувватини иқтисод қилдилар. Комбинат бўйича ҳаммаси бўлиб 6 миллион киловатт-соатга яқин энергия тежаб қоллинди.

Комбинат коллективини қўлга киритилган ютуқларини мустаҳкамлаш учун курашиб, янги-янги резервларини ишга солмоқда. Қишлоқ ва имкониатларини ҳисоблаб чиқиб, етти йилликнинг иккинчи йилида 1959 йилдаги нисбатан 3 миллион киловатт-соат кўн қувват тежаб қоллиш ҳақида оширилган мажбурият олдилар.

В. НЕЧАЕВ.

Қишлоқда ярмарка

Оржоникидзе райони марказида район матлубот жамияти сардо ярмаркаси ташкил этиди. Янгидан қурилган 20 дан ортқ дўконга аҳоли учун 3 миллион сўмлик зарур буюмлар, озиқ-овқат ва саноат моллари келтирилган. Ярмаркада Дўмон, Қайра, Киров матлубот жамиятлари, райунивермаг ва район озиқ-овқат, хўжалиқ ва маданий моллар мағанвилари қатнашмоқдалар.

Бу ерда колхозлар етиштирган помидор, бодрийг, олма, анор, беҳлик, узум ва бошқа ҳўл мевадар ҳам сотилаётди.

Ярмарка Пахта байрами қўнрада район меҳнатқилларига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Америка билан бетма-бет

Н. С. Хрущевнинг АҚШга қилган сафарига бағишланган «Америка билан бетма-бет» деган китоб босилиб чиқди.

Авторлар китобдаги қисқа кириш сўзида қўнрадаги баадилар: «Биз Н. С. Хрущевнинг давлат арбоблари, сенаторлар, насаба союз раҳбарлари, сардо-саноат доналарининг намояндalари ва олдин америкаликлар билан ўтказган учрашувларининг бевоести шохиди бўлдик. Биз ишчилар билан бўлган самимий суҳбатларини ва бизнесменлар билан олиб борилган ўнчир голий мунозарани ўз кўнраи билан кўрдик. Биз ҳамма воқеаларни ёниб бордик, олдин америкаликлар билан суҳбатлар ўтказдик, АҚШ тўғрисидаги ва америкача турмуш тартибидеб аталган турмуш тўғрисидаги материалларини ўргандик, фактларини қўшладик, ҳулосалар чиқардик.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» 2-БЕТ, 1960 ЙИЛ, 6 ЯНВАРЬ.

ТИНЧЛИК ВА ДУСТЛИК ТАРИХИЙ САФАРИ Тўғрисида КИТОБ

Биз фактарла заминда турини ўзимизга қатъий қонда қилиб олдик. Биз шу заминдан тўшмадик.

Бу китобда Н. С. Хрущевнинг совет ажойиб ҳаво келмаси «ТУ — 14»да Америкага учганиги тўғрисида, Америка тупроғидaги, АҚШ пойтахтидаги учрашувлари ҳақида, Н. С. Хрущевнинг Вирлантаг Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг мажлисида нутқ сўзлаб, епископга ва тўла қуролсизланиш программасини айтиб берганини, бу программани ҳамма мамлакатлардаги кенг халқ оммаси қизғин маъмулаганини ҳақида гапирилди.

Китобда Н. С. Хрущевнинг Лос-Анжелос, Сан-Франциско шаҳарларида, Айова штатида бўлишига, Питтсбургда таъинланган равишда кутуб олинди. Кўнрада Н. С. Хрущевнинг АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр билан ўтказган суҳбатларига кенг ўрин берилган. Бу китоб Н. С. Хрущевнинг



Қимматли тақлиф

Мамлакатимиз кимё саноати қўнрада турли-туман асбоб-ускуналар етказиб бораётган Чирчиқдаги «Ўзбекхимваш» заводи коллективи КПСС Марказий Комитетининг раияли мёталларни тежаб-тергаб сарфлаш тўғрисидаги Матбуоти қизғин маъмулаб қимматбаҳо мёталларини имкони борича намроқ сарфлашга қаратилган тақлифлар билан чиқмоқда.

Корхона рационализаторлик ва иштироқчи бюросига тушган тақлифлар орасида инженер-конструкторлар А. Завальний ва А. Ковальчук ўртоқларнинг тақлифлари айниқса диққатга сазовордир.

Шу қоқчада заводда подшипник втулкаларини брозадан тайёрланарди. Конструкторлар аид шу втулкаларини олдин йўлатдан тайёрлаб, сўнгра уларнинг устини 5 — 7 миллиметр қалинликдаги бронза билан қоплашни тақлиф қилдилар.

Натижада тайёрланаётган ҳар бир машинага сарфланаётган бронзадан кўп қисм тежаб қоллинмоқда.

Корхона ишчилари ва инженер-техник ходимлари етти йилликнинг иккинчи йилида ҳам рангаи мёталларни қўшлаб тежаб қоллиш тадбирларини кўрмоқдалар.

«Ўзбекхимваш» заводи касабa союз комитети раисининг ўринбосари.

БАХТ-САОДАТ КУЙЧИСИ

Собир АБДУЛЛА

ХАМИД ОЛИМЖОН

Дустлари юрагига ўтмас, битмас бўлиб ёзилган қолган бу исм, ўзбек совет адабиётининг хазинасига оз йилларда баракали ҳисса қўшган, моҳир санъаткор, ёзувчилар союзининг анча йиллик жонсараки, талантли раҳбарларидан бири ва адабиёт минбарининг оташин куйчиси — азия дўстимиз, қийматли ўртоғимизнинг исми.

Хамид Олимжон билан мен 1928 йилда танишдим. У йилларда мен Ўқув хонасида, Хамид эса Самарқандда яшарди, бир-биримизни ҳали кўрмаган эдик. Лекин мактубот орқали бир-биримизнинг асарларимиз орқали алаҳқачонлар таниш эдик.

Хамид Олимжон билан Миртемир икковий ишлар билан Фарғона vodiysi борганларида мен топдилар, биз бир неча кун биргаликда, мен ҳам Самарқандга бориб, янаб, ишларим мана шу йилдан бошлаб, мустақим дўстлашиб кетдик.

Уша йилларда Ўзбекистон республикасининг маъмурий пойтахти Самарқандда эди. Шунинг учун ҳам Самарқанд гавжум, ҳар кун янги-янги қалам аҳдлари билан танишмишга тўғри келар, кундалик мактубот сифатларида на нашр этилаётган янги-янги битоблар орқали ҳаммаси ҳаммаси ўртоқлар топилди турар эдик.

Бу кун мўсафидЖика қадам қўйган кўпчилик шоир ва адиблар у йилларда ёшлар эдик, бадиий адабиётнинг ҳар жанрида зина-базига ўз истеъдодини яраша юзори погоналар камолатига интилаётган йилларимиз эди. Мана шу кўпчилик қалам аҳдлари орасида Хамид Олимжон ўз истеъдоди, моҳир санъаткорини, нотинчлиги билан ажралиб турар эдик.

Биз кўпича бирга бўлган вақтларимизда, унинг сергаллиги, одам таниши, баъзи хушига келмагани, очкоқроқ қилиб айтганда табиати ёқтирмаган қуруқ, мактанчоқ ва мадаҳити тубан кишиларга нисбатан мурожаат эди.

Хамид билан Катта Фарғона қанади кўпчилиги йилларида бир неча ой бирга ўрдак ва трассалар бўлаё, бирга икковлашдик.

Улу Ватан урушининг дахшати кунлари бошланди, адабиёт аҳдларидан бир қанчаси қаламини қуролга олмайди, фронтга ўйнаб кетди, уларнинг ишлари бу ерда қолган ҳаммаюллар бажаришлари керак, кетган

ларнинг оила, бола-чақасига бу ерда қолган дўстлари меҳрибончилик кўрсатиб, ҳол-аҳволларидан воқиф бўлиб туриши керак. Бу эса, ёзувчилар союзи раҳбарлари ва умуман ёзувчиларнинг виждоний вазифаси эди.

Мана шу оғир йилларда Москвадан, Ленинграддан, Киевдан ва иттифоннинг бошқа шаҳарларидан жуда кўпгина машҳур ёзувчилар Тошкентга вақтинча кўчириб келтирилиб, уй-бой билан таъминланган эди.

Уша йиллар соҳамизни кеча-кундуз очиб, Хамид Олимжон ўз кабинетидан ҳамма вақт топилди, гоҳ хушчақчақ кўринса, гоҳ диққат, гоҳ бир кўнгул тортари билан ҳазил-мутойба устида уни кўрсангиз, гоҳ вақт у, фронтга кетган дўстнинг биласи билан ҳамсухбат бўлиб, уни овутиш, кўнглини кўтариш, йилдан йилга билан баян пайтга кўрасиз.

Мана шундай қийинчилик кунлардан бирида Хамид Олимжон соҳамизга қаламкаш, ҳаммаси ўртоқларини тўшлаб, атоқли рус ёзувчиларига ёрдам бериш масаласини қўйди.

Хамид шеърят камолатини эгаллаётган шоир, яхши раҳбар, зўр тандиқидан ташқари натта олим ва талантли драматург ҳам эди. У биринчи сатҳа асари «Муқанна»ни уруш йилларида ёзиб, уни ёши жа-раёнда мен кўпроқ бирга бўлдим, бу асар Тошкент область театри — Янгийўл театрида ўша йиллари саҳналаштирилиб, катта муваффақият қозонди.

«Муқанна» музикали драмаси ўз тавсир ва ҳарорати билан, Шекспирга бағлан бўлиб, Хамид Олимжоннинг драматургилик ҳам катта талантига эга эканлигини далолат беради эди.

Хамид янги кучга тўлган, икковий дарб урган бир пайтга, «марги муфожот» деб айтилувчи фожиаги тасо-ди орқасида ҳалок бўлди.

Лекин унинг яхши ҳислатлари ҳар доим яхши суҳбатларимизда ёз-ланиб турмоқда.

Хамид Олимжоннинг асарлари китобхоналарнинг тўридан жой олганидек, «Зайнаб ва Омон»и саҳнама тўридан жой эгаллади, унинг сергаллиги билан «Дўстлар» учун ҳардоим очиб, Унинг соф меҳрибонлиги, ҳаммаимизнинг онамиз, унинг вафо-дор рафиқаси ўз сафимизда, букунги сергаллиги шираси бўлиб, хур-матга эга, унинг икки фарзанди — ҳаммамизнинг фарзандимиз.

А. АБДУҚОДИРОВ.

Шоир юбилейига бағишланган виставка

Навоий номи халқ кутубхонасида талантли шоиримиз Хамид Олимжоннинг туғилган 50 йиллиги бағишланган виставка ташкил қилинди. Виставка бир неча бўлимга иборат бўлиб, унда шоирнинг ҳаёти ва икковий фаолиятини акс эттирувчи экспонатлар кўйилган. Булар орасида Хамид Олимжоннинг асарлари, фотосуратлари ва унинг публицистик мақолалари

АТОҚЛИ СОВЕТ ШОИРИ ВА ОЛИМИ

ваторлики моҳирлиги билан давом этирди ва ривожлантирди. Ўзбек адабиётига Хамид олиб кирган Қизил байроқни баъзан кўтарган вақтлардан бири бўлиб қолди. Хамиднинг жанговар, революцион шеър ва кўшаклари билан Хамид Олимжоннинг социалистик мамлакатимиздаги буюк ғазалларини маҳз ушунча, совет кишиларнинг қаҳрамони на медалларини кўлдоши асарлари туташиб кетди.

Хамид Олимжоннинг биринчи китоби — «Қўлдам» шеърлар тўпламидаги шеърининг муҳим фақлиятини кўриш қийин эмас. Бу тўплам халқ хўжалигини тиклаш йилларидаги ривожланишларни кўрсатиш, революция галабасини мустақамлашга чақириб, янги турмушнинг афзаллигини кўйлаш, хотин-қизлар овозини маҳз ушунча голларни акс эттирди. Тўпламдаги кўп шеърлар бадиий жиҳатдан бун бўлишига қарамай, тематикасининг муҳимлиги, қўйилган масалаларнинг актуаллиги билан ажралиб туради.

Хамид Олимжон йилдан-йилга турмуш воқеаларини кенроқ қамраб олиш, даврининг муҳим масалаларини чуқурроқ бадиий формада ёритиш маҳоратини эгаллаб кетди. Бунга у ўз устида кунг билан ишлаши туфайли эришди.

У рус классик адабиёти, айниқса буюк совет ёзувчилари М. Горький, В. Маяковский ҳамда Хамид асарлари билан таниши, уларнинг юксак гоёсидан, бадиий маҳоратидан таълим олди. Шу билан бирга шоир ўзбек классик ёзувчиларидан ҳамда ўзбек халқ ораки ижодидан ўрганиб ва янги традицияларни тараққий эттирди.

Х. Олимжон биринчи гада ҳаёт-



Хамид ОЛИМЖОН.

Назир САҒАРОВ.

ОТАШИН ҚАЛБ

Хамид Олимжон ўзбек маданияти ва адабиётининг йирик арбоби. Ўзбек халқининг сергаллиги, олим, ростқўй, қобил фарзанди эди. Шунинг учун ҳам мана бутун халқ ўзининг талантли фарзанди Хамид Олимжонга ҳайқил қўяпти. Унинг туғилган 50 йил тўғиш кунини нишонлаш билан Ватан олмига қилган хизматларини тақдирлаб, Хамид номини абадийлаштиряпти.

Хамид яратган поэзиялиги жўшқинлик нақадар оташин бўлмасин, у жуда содда, ҳаммаюл ва халқчи эди. Хамид Олимжоннинг биринчи шеърини ҳам ҳаяжонли, тўқчи-ламмасдан ўқиб қийин. Хамид шеърининг ўзига хос муслиқ оҳанги бор. Хамид ғазаллари, шеърлари, баллада ва поэмалари ёнги унинг ўзига хос бўлган муслиқ оҳангларига кишилар қалбига жуда равои оқиб боради ва сиғиб кетади.

Талабчан, меҳнаткаш шоир Хамид Олимжон қисқа умри ичда жуда катта маданий мерос қолдирди. Унинг бутун ижодига кишилар оқ-бар эркиндар. Меҳнаткаш халққа хос бўлган олижаноблик, камтарлик,

меҳнатни улуглаш, дўстлик, севги, вафо Хамид поэзиясининг мағзи эди. Шоир бўлиб шодлик ва бахтни кўйлаш — Хамид учун зўр саодат бўлиб қолган эди.

Улу Ватан уруши йилларида ай-ниқса шоир зўр аҳтарос билан ижод қилган эди. Унинг Ватан ҳимояси, шарафисиз душманни аёвсиз уруш ва муқаддас туپроғимизни босқинчилардан таваллаш тўғрисидаги шеърини илдори фронт бўлаб учар, жангчилар қалбига кириб мадад берад, манфур душманга қарши ғазаб ўти-ди эдилар эди.

Хамиднинг шеърини китобларини ярадаб, тўзал ва жўшқин назмларидан руҳланган жангчилар Дон саҳраларида, Украина мўчаларида, Беларуссия ўрмонларида, Карпат тоғларида, Болтиқ ва Қора денгиз тўқинларида раид душманин тор-моқ келтиришда рус оғаларининг пўлат сафарларида туриб, мардик намуналарини кўрсатганлар.

Ўзбек халқининг содиқ фарзанди Хамид Олимжон барҳаёт вақтида ўз учун хайнал ярата олган шоир эди. Хамид минг-минглаб ўз китобхоналари қалбларида яшётган шоирлар. Йиллар ўтгаварида, шоирнинг шеърини дурдоналари, наслардан-насларга мерос бўлиб қола-верди, ўз китобхоналари қалбига яшайверди.

РОССИЯ

Россия, Россия, амаат ўлка! Эй, осмон сингари бегоён ватан, Тўлдирган чоғда ҳам жаҳонни нурга

Кўш қучоқлима сени дафтан. Шамолдан тез учган поездлар ҳам то

Шимолга етгунча кетади қолдан. Қанда ҳам жаҳонга етолмас қатто,

Баҳорда йўл олган сайёх, Шимолдан, Қаноти тўлқинларинг ҳам,

Неча бор қўнарлар сенда учганда, Гўёки бир ёнб ўша учган шам —

Сени қучоқлайди яшини кўчганда, Узув дарёлар ҳам қанар бўлолмас,

Кўшқилиб чулганас сенинг белнига, Дунёда ҳеч бир халқ тўғри келолмас,

Менинг билишимча, сенинг элинига, Бало-офатларини ениб ўрганган, Мухаббатинг улуг, юрагинг кендир,

Сен қардош элларга энг монанд ватан, Унда уруғлар ҳам халқларга тендир.

Невский ухлаган буюк бешкида Уйғонмоқ ўзи ҳам олий бир ҳавас,

Пушкин пайдо бўлган ҳар бир эшикда, Навоий шарафи яшар муқаддас, Қаҳратон қилинганда, баланд осмонда

Учиб бораётган қўш ҳам музлайди, Жасур ўғилларинг қор ва ёрғонда

Жаҳон тақдиринга намоқ излайди, Сенинг кўз илғамас майдонларингда

Жаҳоннам кўрканок жангларини кўрдим, Бир қарра ёв ўтган ўрмонларингда

Кўндрдан ҳам қора тоғларини кўрдим, Меҳринг қаршида музлар офтоб,

Лекин офтобингда қорлар эрийдн, Муқаддас қаҳринга беролмасдан тоб,

Тупроғинг остида фаншот чирийди, Оғир қурол билан солган овозанг

Ларзага келтирар арзу самонин, Сен дарё бўлида олиб борган жанг

Тамом ўзгартирар об-ҳавонин, Ингитлар сен учун жангга кирганда,

Ботирлар осмонда берганида жон, Қўздан қон оққан ёши

Сенинг енгинингга келтирдим юмон, Мен сенинг ўғлингдан, эмсаман меҳмон,

Сенинг туپроғингда улгайдн таним, Ҳозирман сен учун бўлмоқда қурбон.

Бирлашган Миллатлар ташкилотидagi СССР вакилининг Хаммаршельдга мактуби

Жанубий Африка Иттифонининг маъмуриятлари. Эларига мадад қилиб берилган Габри-Жанубий Африканинг туб халқи бўлган ишларини махсус ажратилган районларга (резерватларга) аўрлик билан қўлаб кўчириб юбормоқдалар. Жанубий Африка ҳукумат маъмуриятлари 1959 йил 10 — 12 декабрда Габри-Жанубий Африканинг бош шаҳри бўлган Виндхук шаҳрининг иерг аҳолисига қарши қўшни юбордилар, бу шаҳар аҳолиси янги америтлан «ре-зерват»га ўзининг зўрлаб кўчири-лаётганлигига қарши норозилик билдирган эди. Нерлардан бир неча ўн киши ярадор қилинди ва ўлдирилди.

Габри-Жанубий Африканинг туб аҳолисидан бўлган Керина шу территориянинг туб аҳолиси номидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ариза олиб келиб, 1959 йил 15 декабрда СССР Министр-Совети Раисига ариза билан мурожаат қилди. Бу аризада у Жанубий Африка қўшинлари аҳо-лини ўлдирётганлигини ва зўрлаб кўчираётганлигини тўх-татмоқ учун Габри-Жанубий Аф-рика халқининг манфаатларини қўлаб Н. С. Хрущевдан ўз таъ-сирини ишга солиш ва тегшли чора-лар кўришни илтимос қилди. Керина шу аризада айтилди, аҳвол жуда ёмон бўлиб қолди, агар бу аҳволга дарҳол аралашил-маса тағин ҳам катта қон тўкиш бўй беради.

СССРнинг Бирлашган Миллат-лар Ташкилотидagi Доимий ваки-ли А. А. Соболев 30 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Секретари Д. Хаммар-шельдга мактуб юборди. Мактубда айтилдики, Жанубий Африка ҳу-кумат маъмуриятининг бу ҳара-катлари ва бунинг натижасида жиддий туғнашлар рўй берган-лиги ҳамда кишиларнинг қўрбон бўлганлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг устанига ва ишон ҳукуматга тўғрисидаги Умумий Декларация қондаларига анд ҳара-катлар бўлганлиги учун қатъий қораланиши керак. Габри-Жану-бий Африка аҳолисидан бўлган кишиларнинг ўлдирилишига олиб келган воқеалар яна шунинг учун ҳам афсусланишга сазовардирин, бу воқеалар халқроқ асейликка олиниши керак бўлган, яъни Бир-лашган Миллатлар Ташкилоти ҳамхўрлик қилини лозим бўлган территорияда рўй берди.

«Совет ҳукумати, — дейлади мактубнинг охирида, — Габри-Жанубий Африка ишлари билан шу туғлануучи Комитетнинг Виндхук-даги воқеалар тўғрисида 1959 йил 21 декабрда чиқарган қарорини қувватлайди. Совет ҳукумати Бир-лашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари ҳам халқроқ терри-тория бўлган Габри-Жанубий Аф-рикада африкаликлар қўлаб кўчирилиб юборилаётганлигини тўх-татмоқ учун умумий бўлган чора-ларини аниқлаб бериб деб умид қи-лади».

Чет ЭЛАЛДАРДА

Индонезия жамоатчилиги Н. С. Хрущевнинг Индонезияга қиладиган сафарини табрикламоқда

ЖАКАРТА, 4 январь. (ТАСС). Индонезия газеталари Н. С. Хрущевнинг Индонезияга қиладиган са-фарини қизгин шарҳламоқдалар.

«Бинтанг тимур» газетаси бутун бош мақолада Н. С. Хрущевнинг визити ҳақидаги хабар «шу йилдаги катта ангилликдир, бизларга қувонч бағишлайдиган ангилликдир» деб ёзди. Совет ҳукумати бошлигининг визити, деб давом қилади газета, иккада мамлакат ўрасида дўстлик ва ҳамкорлики мустақамлаш мақса-дини қўлайди ва Индонезия Ташки-лотининг министрларининг ахборотида айтилганча, халқроқ кескинлигини қамраб олиш ва Осепа ҳамда бутун дунёда тинчликини мустақамлашга ёрдам беради.

«Сулу Индонезия» газетаси бутун Н. С. Хрущевнинг қиладиган сафа-рини тақдирлаб Индонезия Ташки ишлар министрларининг ахборотини бирин-

чи саҳифасида катта сарлавҳалар остида босиб чиқарди. «Таймс оф Индонезия» газетаси бош мақолада ёзадики, Н. С. Хрущевнинг визити ҳақида Индонезия Ташки ишлар министрларининг ахбороти «қувончи хабар» бўлди. Индонезия унинг келишини сабрсиз-лик билан кутади.

«Индонезия обсервер» газетаси ўзининг бош мақолада Н. С. Хрущев самимий кутуб омадида, деб таъ-кидлади. Газета ўз мақолада Ин-донезия Ташки ишлар министрларининг баёнотида, бу визит иккада миллат ўртасида хоҳирди маржуд бўлган дўстлик ва ҳамкорлик алоқа-ларини янада мустақамлашга, де-ган суфарини ўқитиб кўрсади.

Бу визит, деб ёзади янгирақда та-азета, Индонезия учунгина эмас, балки бутун Осепа ва бутун дунё учун ҳам бойдали бўлади.

ЛИБЕРИЯДА ТАНТАНАЛАР

ЛОНДОН, 4 январь. (ТАСС). Бу-дан Либерия Республикасининг пой-тахти — Монровида янги муддатга янгида сайланган Либерия Респуб-ликаси президенти Уильям В. С. Табман ва вице-президент Уильям Р. Толбертнинг ўз вазифаларини ба-жаришга расмий равишда киришиш-ларига бағишланган маросим бўлди.

Президент ва вице-президентнинг сайланиши муносабати билан бўла-

диган байрам тантаналарида қат-нашми учун мамлакатга Европа, Осепа, Африка ва Америкадаги 65 мамлакатдан жуда кўп меҳмонлар келилар. Либерия ҳукумати томо-нидан байрам тантаналарига тақлиф этилган СССР ҳукумат делегация-сига СССР Олий Совети Миллатлар-ларига бағишланган маросим бўлди.

Президент ва вице-президентнинг сайланиши муносабати билан бўла-

БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИДА


КОҲИРА, 4 январь. (ТАСС). Пре-зидент Носир Бирлашган Араб Рес-публикасининг сирлилик министри Халид Каллааснинг истеъфоси тў-ғрисида кеча декрет чиқарди.

Каллаас — сўнгги ҳафта ичда ис-теъфо берган сирлилик министрлар-дан бешминчидир.

АВСТРАЛИЯДА ҲАВО ИСИШИ

ПАРИЖ, 4 январь. (ТАСС). Фран-сес агентлиги мухбирининг Адела-йдаланд (Австралия) хабар қи-лишича, Австралиянинг марказий ва жанубий районларида бир ҳафта да-вомида ҳаво қаттиқ исими натижа-сига олиб келди.

сида олти киши, жумладан тўрт бо-ла ҳалок бўлган. Жанубий Австралиянинг баъзи районларида ҳарорат цельсий бўйи-ча 50 даражага кўтарилди, бу эса норва молларининг ялли ноубд бўли-шига олиб келди.



Ҳиндистон Республикасида Осепа-даги ике йирик металлургия кор-хонаси — Ўзбей металлургия за-води иши тутиди. Бу гигант кор-хона нунда на совет кўрувчиларининг йиргаллигидаги меҳнат билан қад кўрилди. Сурада: Ўзбей заводининг доми неки. П. Кречев фотоси, (ТАСС фотокорреспонденти).

Ёзувчи Вюрсмар илтимосимизни бажарди

Францияда чиқадиган «Юманите» газетасининг мухбири ва ёзувчи Андре Вюрсмар Совет Иттифоқига ёз ойларида меҳмон бўлиб келганида Тошкентда ҳам бўлган эди.

Вюрсмар Тошкент чет тиллар педагогика институтини студентлари билан учрашиб, қизгин суҳбат қилган эди. Шунда студентлар меҳмондан Франция ёшларига салом топиши билан илтимос қилиб улар билан дўстона алоқа боғлаш орзусида аяналикларини билдиришга уларнинг бу истаklarини Франция ёшларига албатта айтишни ваъда қилганиди.

Орадан кўп ўтмай, Институтимиз адресига Франциядан кетма-кет ранга-ранг маркази конвертларда хатлар кела бошлади. Бу хатларнинг оғалари ички металлургия, электротехника, инженерлар ва бошқа турли касб оғалари. Улар ўз хатларида қандай яшётганликларини, Совет Иттифоқига ва унинг кишилари ҳақида билганини келганини ёзиб юборибди. Айрим хатларни айнан келтирмоқчи. 18 ёшли Дюбуа Даньел шундай ёш эди:

«Мен совет ёшларининг диди, уларнинг қай мақсад билан яшайдиганликларини, шунингдек совет киноси ва адабиёти ҳақида жуда-жуда билгим келади». Институт француз тили факультетининг студентлари ўзига хатларга муносиб дўстона жавоблар ёзиб юбормоқдалар. Студентлар ёзувчи Вюрсмардан миннатдорлар. Чунки унинг ёрдамида боғланган бу дўстлик алоқаси совет халқи билан француз меҳнатқашлари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ш. КАРИМОВА. Чет тиллар педагогика институтининг студенти.



Тошкентдаги металл-идишлар заводининг ёш ишчиси Таян Суркова пешадаги ишлари билан ҳисобланади. Касбини пухта ўрганган Таян смена нормасини 200 процентга етказиб бажараётди. Суратда: ўртоқ Т. Суркова иш устида. С. Ахмедов фотоси.

Тошкент янгиликлари



Нунига 5 минг жуфт нўпаяди

Тошкентдаги 1-пайфазл фабрикасининг штамплик цехида уч линияли горизонталь-ёпиқ конвейер синаб кўрилади. Конвейер тағ чарм, стелька ва дастакларни қайта ишлаш учун тайинланган эллиндан ортқ ускуналарни битта технологияга бириктирди. Натижда умуман фабриканинг қувватини 15 процентдан зиёд ошириш имкони туғилди.

Илгى агрегатнинг ишга туширилиши билан пайфазал ишлаб чиқариши комплекс конвейерга туғилди. Фабрика новаторлари икки ярим йил ичда 29 конвейер ўрнатдилар. Булар ҳамма цехларда, поток ва участкаларда меҳнатни механизациялаштирди.

Ишни қайта қуриш — ишлаб чиқариш маданиятини кескин даражада яхшилади, биринчи сорт пайфазал чиқариш қўлайди, меҳнат унвудорлиги 18 процент ошди. Фабрика ҳар қуни аввалдагига қараганда беш минг жуфт кўп пайфазал чиқара болади.

Барча конвейернинг конструкцияси фабриканинг ўзида ишлаб чиқарилади. Тошкент пайфазалчиликнинг бу қимматли тажрибаси Тошкент ва Самарқанд Халқ хўжалиги кенгашлирининг бошқа барча пайфазал корхоналарида ҳам тез улаштирилди. Фрунзе, Сталинобод ва Ленинобод корхоналари ҳам тошкентликлардан ўрнак олиб, ишлаб чиқариши комплекс конвейерлашни жорий этишга киришдилар.

Кутубхонанинг халқаро алоқалари

Пойтахтимиздаги Навоий номи кутубхонада 1956 йилда чет эллар билан маданий алоқалар боғлаш бўлими ташкил этилган эди. Бу бўлим ўтган йиллар мобайнида Хитой фанлар академияси, Нью-Йорк оммавий кутубхонаси, Лейден университети (Голландия), Кильск университети (Германия Федератив Республикаси), АҚШ конгресси кутубхонаси каби 14 та чет эл кутубхонаси билан доимий алоқада бўлиб турибди. Чет эллар билан маданий алоқа бўлими фондига 29 та чет эл мамлакатларида нашр этилган 50 мингга яқин китоб, газета ва журналлар сақланмоқда.

Кутубхона билан маданий алоқалар боғлашни сураб, Франция, Индонезия, Австралия, АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги йиллик кутубхоналардан хатлар келиб туради. Яқинда АҚШдаги Кентукки университети кутубхонасининг директори Лоуренс ва

Вашингтон конгресси кутубхонаси ходими Натан Р. Эйнхордан кутубхонага хат келди. Улар Ўзбекистонда нашр этилган ҳар хил асарлар ва географик китобларнинг рўйхатини юборишни илтимос қилганлар. Бўлим ходимлари бу илтимосни қондиридилар.

Маданий алоқалар ўрнатилган чет эл мамлакатлари кутубхоналарига Шароф Рашидовнинг «Гойиблар», Мирзаалон Исмоилининг «Фаргона тоғ отунач», Абу Али ибн Синонинг «Алқону», Абдулла Навоийнинг «Сароб» номи асарлари ва Ўзбекистон тарихи ҳақида адабиётга тааллуқли бўлган бошқа китоблар юборилди.

Халқ кутубхонасининг бундай ҳамкорлиги дунё халқларини ўртасида дўстлик ва маданий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

К. АБДУХОЛИҚОВ.

ЗАВОД дипломантлари

Бундан икки йил муқаддам «Таштентимаш» заводи ҳузурида машинасозлик техникуми очилган эди. Цех бошлиқларининг илтимоси билан неймчаллик техникуми ҳузурида цех мастерлари учун махсус курс очилди. Шундан бери орадан бир йилдан зиёдроқ вақт ўтди. Ҳозир мастерлар техника назарисига ва машинасозлик фани билан атрофлича танишдилар. Назарий билим амалий иш билан мустаҳкамлаб борилди. Буни мастер-студентларнинг мурнаб ва муҳим тамага бағишланган диплом провентларидан яқола кўриш мумкин.

Асбобсозлик цехининг мастер ўринбосари В. В. Трогубовнинг заводида ўзлаштирилган «РР-260-3» маркази машинанинг намуна лойиҳаси бўйича тайёрлаган диплом ишининг автори 2-механика цехи мастери Лобачев ҳам курс машғулотларини яхши ўзлаштирганини кўрсатди. Бошқа дипломантларнинг провентлари ҳам завод ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган муҳим темаларга бағишланган.

А. АЛИЕВ.

Эллик мингчи ўзи юрак комбайн

Мамлакатимиз колхоз ва совхозларда ҳамма чет ахтардаги кооператив хўжаликларда «Россельмаш» заводи чиқараётган «СК-3» маркази узиюлар галла ўриш комбайнлари ишламоқда. 3 январда биринчи иш сменасида беш конвейердан эллик мингчи комбайн чиқарилиди. Комбайнсозлар «СК-3» даст қоралари ишлаб чиқариш бўйича кўндлик топшириқни ошириб бажардилар.

Областимиз шаҳар ва қишлоқларида совхозда янги мактаб

Юқори Чирчиқ районидagi 12-«Верхий Чирчиқ» боғдорчилик совхозининг 1-бўлими совхоз марказидан янча узоқда бўлгани туфайли бу бўлимда яшовчи ишчиларнинг болалари учун шу ерда мактаб қуришга киришилган эди. Яқинда бўлимнинг 5-масивидида қад кўтарган янги 69-бўлимчи мактаб биноси битказилиб, ишга туширилди. Совхоз маъмурияти мактабни зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаб берди. Янги мактабда дарслар бир сменада олиб борилади.

С. Холназаров.

САВДО ХОДИМЛАРИ ЦЕХГА КЕЛИШДИ...

Чирчиқ шаҳридаги «Ювелирторг» коллективи яқинда яхши бир ташаббусни амалга оширди. Хафтаннинг душанба кунлари «Ювелирторг» ходимлари саноат корхоналарига келишиб цехларнинг ўзида турли қўл соатларини қарага соатлардан, «Чирчиқсельмаш», «Узбекистонмаш» заводлари цехларида ўнлаб ишчи насияга соат сотиб олди.

О. Латипов.

90 КИШИ МЕХАНИЗАТОР БЎЛАДИ

Чиноз районидagi қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўлими турли йил қишлоқ хўжалигини учун ёш малакали мухтаassisлар тайёрлаб беради. Бўлим юрти ўқувчилари қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш бўйича колхоз ва совхозларда иш олиб бориши. Бўлим юртини бу сафар 90 ёш механизатор тамомлайди. Улар областимизнинг турли районларидан келган колхоз аъзолари.

Ф. Турсунқўев.

КЎП КАСБИНИ ЭГАЛЛАМОҚДАЛАР

Оҳангарондаги 9-шахта кўмир разрезини ҳамда юк ортқи транспорт бошқармасида меҳнат қилаётган ишчилар асосий касбларидан ташқари бошқа хунарларни ҳам ўрганмоқдалар. 9-шахтадан қатнашиш учун «Ташсельмаш» заводидан икки мухтаassis ҳам Ироқ Республикасига жўнаб кетди.

А. Кўкеев.

30 ТА ЯНГИ УИ

Калинин районидagi «Тошкент» совхозида қурилиш ишлари кенг ҳажмида олиб борилади. Совхозда жамоат бинолари билан бирга ўнлаб шинам уй-қой бинолари ҳам қад кўтармоқда. Яқинда совхоз ишчилари учун қурилаётган янги уйлардан 30 таси битказилиб, уларга ишчи оилалари кўчиб кинди. Яқин вақт ичда яна 10 дан ортқ қонадон янги уй билан таъминланади.

М. Султонов.

БИР МИНГ БЕШ КЎЗ УНИНГ БИРИНЧИСИ

Етти йиллик мобайнида республиканинг шаҳар ва ички посёлкаларида йиллик панеллардан 48 квартиралар тўрт қаватли 1500 уй қурилади. Ўзбекистон пойтахтида ана шу уйлардан биринчисига пойдевор қурилади. Бундай уйлардаги кенг ва шинам квартираларга 250 мингдан ортқ ишчи кўчиб киради. Бу аса Самарқанд ва Бухоро каби йиллик област марказларидаги аҳолининг сонига барабардир.

(ЎзТАГ).

Қирғизистонлик ёш атомшунос



Ўзбекистон ССР Раёдар академияси янги Ядро физикаси институтига атом энергиясидан халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиш йўллари топиш билан боғлиқ жуда катта аҳамиятга эга бўлган тадқиқотлар олиб борилади. Институт илмий ходимлари атомнинг янги-янги «сир»ларини очиб, уни инсон хизматида бўйсундириш йўлида кўпгина нафис ётларни боғлаш ишга ўз ихтисосларини қўшаётган. Шу билан бирга институт лабораторияларида Ўрта Осиё ва Қозғистон республикаларининг олимлари илмий тадқиқот ишлари олиб бориётдилар. Институтда турли миқтал вакилларидан атомшунос кадрлар тайёрлашдек катта аҳамиятга эга бўлган масала ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Ёш мухтаassisлар Иттифоқимизда таниқли атомшунос олимлар раҳбарлигида актуал темаларни ижобий ҳал қилмоқдалар. Ана шундай ёш тадқиқотчиларнинг бири Жапар Текеновдир. Фрунзелик Жапар Текенов Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг аспиранти билан бу институтга келганга 2 йилга яқинлашиб қолди.

Жапар радиактив изотопларнинг ажойиб хусусиятларини, физик ва кимёвий хоссаларини зўр қизиқиш билан ўрганиб боради. У радиактив изотоплардан саноат корхоналарининг технологик процессларини энгиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги деган масала устида кўп ўйлади. Ҳозир у, институт лабораторияларида «Радиактив изотоплардан энергетик майдон бўлган чаксимон зарраларнинг динамикасини ўрганишда фойдаланиш» деган тема устида ишламоқда. У тадқиқотлар турли ишлаб чиқариш процессларини тақомиллаштиришда катта аҳамиятга эга.

Суратда: аспирант Жапар Текенов тадқиқот олиб бораётди.

Б. Артемов фотоси.

ЎРТҚИ МОҚ

ЁМОННИНГ БИР ҚИЛИГИ...

Меҳри тушлик овқатга чиқмай берилиб қарошқа қавлар эди. Шу пайт унинг ёнгинасига «Победа» такиси яелиб тўхтади. Ундан норғул бир йилгич чиқди-да, қизнинг олдида югуриб бориб, унга қалхатдек чағ солди. Йилгичнинг типирчилишига қарамай, уни «Победа»га босди, шофер машинани елдириб кетди.

— Олдими тўс!.. Номери ни ёниб оа!..

— Ёдим. ЕУ-36-32!..

Бу орада полевод ва бригада бошлиғи ҳозир бўлиши. Машина тўхтади. Лекин бригадир билан полевод шоферга «Жунаг» деган ишора қилди. Шофер «сирни» ишорага тушуниди шеккили йилгичга қараб «қўйиб юбор қизни, сен лаянати мени алдаб олиб келган экансан...» деди, фард чекаётган қизни йилгичнинг чағалидан қўтариб ерга туширди. Безрайганича йилгич ҳам тушди...

Бу деҳқон қизнинг эрқига чағи солмақчи бўлган сурбет ким? Бригадир билан полевод шоферга «жўнай бер» деб нега сирли ишора қилдилар. Буни қандай тушуниш керак?

«Фарҳод» совхоз 1-бўлимидagi ёрдамчи хўжалиқнинг 4-бригада бошлиғи Мустафоқул Хомирзаев ўз укаси Мирзона уйлантирмоқчи эди. Ортиқбой ақанинг 17 ёшли Меҳри исмли қизи борлигини эшитди. Шундан сўнг ердамчи хўжалиқ полеводи ва партия ташкилотининг секретари Туроббой Пўлдошев билан маслаҳатлашиб совчиликка бордилар, тул ваъда қилдилар, дўқ-пўписа қилдилар. Ота бўлса қизининг их-

тиерисиз эрга беролмайман, зўрлаш аса қўлимдан келмайди деб туриб олди. Ана шундан сўнг Мустафоқул билан Туроббойлар қизни олиб қочиб ҳақида Мирзога маслаҳат бердилар. Аммо Мирзо жиноят устида қўлга тушди.

Ота, қиз Меҳрини етаклаб ердамчи хўжалиқ директори ўртоқ Холмухаммедов ҳузурига борди. Аммо бу ерда ҳам Туроббой билан Мустафоқуллар ҳозир бўлиб, отани сўзлагани кўймадилар. Бир у деди, илгичиси бу деди, хуллас бечора қизининг сўзи ўтмай директор ҳузуридан йилгач қичиб кетди. Лекин шундан сўнг ҳам отани тинчитмадилар. Туроббой яқинда ота ҳузурига борди:

— Янги кекайган чоғингизга бошингизни балога қўйиб юрманг. Мустафоқул билан қуда бўлинг, — деди.

— Қизим уямамапти нима қилай? — деди ота.

— Ундай бўлса бу ердан кўчасин! — дўқ урди Туроббой.

Шу-шу отанинг оиласида осойишталик бўзилди. Улар шу кунларда, қаҳратон қишда қаерга кўчиб кетишни билмай гаму-қайғуга боғлиб қолдилар.

Мирзо Холмирзаевнинг безорилигига Мустафоқул билан Туроббойлар ҳомлик қилиб келмоқдалар. Туроббой аса ердамчи хўжалиқ партия ташкилотининг секретари бўлиб ишлади. Бу хуноқ аҳолини йилгич шаҳар партия комитети билармикин? Билса нега индамай келди?

Х. САГИЗОВ.

— Қани энди ўша ажойиб кўзанингини ичидан битта дазвол ҳам чиқариб кўрингчи! ФОҚСЧИ:

А. Холлиқов чизган расм.

БИЛДИРИШ

Шу йил, 7 январь кеч соат 7 да Ҳамид Олимжон номидаги адабиёт, чилар уйда /1-май кўчаси уй-20/, Тошкент шаҳар ёш ёзувчилари семинарининг навбатдаги машғулотни бўлади.

Семинарда филология фанлари доктори ўртоқ Илҳат Султонов сюжет ҳақида суҳбат ўтказди. Семинарда барча истаган ўртоқларнинг келишлари мумкин.

Ўзбекистон ёзувчилар Союзининг ёш ёзувчилари билан ишлаш комиссияси.

Редактор: 3. ЕСЕНБОВЕВ.

6 ЯНВАРДА

13.00. Янги йил арчаси атрофида.

19.30. Болалар учун Янги йил концерти.

20.00. Сўнгги ахборот.

20.20. Бадий фильм «Жаноб 420» (1-серия, ўзбек тилида).

22.00. Катта эстрада концерти (рус тилида).

22.40. Бадий фильм «Авлиё Йорган байрами».

7 ЯНВАРДА

12.00. Навоий номи театр-дан «Оруз» балети олиб кўрсатилади.

19.30. Бадий фильм «Биз Еттисувдимиз».

21.00. Сўнгги ахборот.

21.20. Бадий фильм «Жаноб 420» (2-серия, ўзбек тилида).

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Бугун кундузи Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво ўзгариб туриши, ёнгарчилик бўлмаслиги кўзилади. Температура 0 даража атрофида бўлади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

мактаб ўқувчиларининг каникула кунларида

10 январьда

АРЧА

«АЙИҚЛАР ҚЎРГАНИ БОРАМИЗ»

Энг йиллик совет аттракцион «Айиқлар цирки» иштирокида

КАТТА БАЙРАМ ТАМОШАЛАРИ

Тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ УРСАТЎВЕСК БЎЛИМИ ОРСИНИНГ ФИЛИАЛИГА

Янги оилаётган ва энг янги асбоб-ускуна билан таъминланган охиона учун юқори малакали

ошапалар керак

Муромат учун адрес: Урсатёвская стаяцияси, Комсомол кўчаси, 44-у.